

faoliyatlariga ularning sharqona fazilat va urf odat ananalariga marosimlariga munosib

farzand bo'lib kamolga yetmoqlari lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Mirziyoyev Sh.M. "Milliy tarrafiyot yo'limizni qattiyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz". T.: - "O'zbekiston".
2. Mirziyoyev Sh.M "Buyuk kelajagimizni mard va oliy janob xalqimiz bilan birga qurishimiz kerak". T.: - "O'zbekiston" 2017.
3. Sanginova I.N "Yangi O'zbekistonda mahalla ko'rki". Eurasian journal of law Finance and Applied Scienges. Page. 66-70. 2022.
4. Sanginova I.N. "Mahallalarning ijtimoiy ma'naviy hayotdagi o'rni". Surxondaryo ilm va tafakkur. 2023. N-1 son 35-39 betlar.
5. Tursunov S.N. Jo'rayev B. "Mahalla-Mustaqil yurt tayanchi". Toshkent 2012-yil.
6. Tursunov S.N. "O'zbek mahallalari ma'naviyatimiz iftixori-g'ururiga aylansin". Toshkent. "Yangi nashr" 2018-yil. 275-278.
7. Tursunov S.N va boshqalar. Surxondaryo tarixi - Toshkent: Sharq. 2004-yil. 610-bet.
8. Jalilov Sh. "Mahalla yangilanish davrida. -Toshkent: Mehnat, 1995-yil 72-75 bet.
9. www.mahalla.intal.uz.

УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ШАҲАР АҲОЛИСИ КУНДАЛИК-МАИШЙИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

Чориев Жамшид Шокиржонович,
Термиз давлат университети эркин тадқиқотчиси

Аннотация: Жаҳон миқёсида урбанизация ва шаҳарлашув жараёни шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда шаҳарлар тарихини теран ёритишга қаратилган илмий изланишларга эҳтиёж тобора ортмоқда. Шу сабабли ҳам жаҳондаги етакчи илмий-тадқиқот марказларида ер шарининг турли минтақаларида урбанизация жараёнларининг ўзига хос жиҳатларини, шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш бўйича тизимли илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Калит сўзлар: урбанизация, тоза ичимлик суви, транспорт, электр энергия, қурилиш ишлари, сартарошхона, ошхона, тикувчилик цехи, ҳаммом.

Аннотация: Сегодня, когда процесс урбанизации и урбанизации стремительно развивается в мировом масштабе, возрастает потребность в научных исследованиях, направленных на более глубокое освещение истории городов. По этой причине в ведущих научно-исследовательских центрах мира

проводятся систематические научные исследования по изучению конкретных аспектов процессов урбанизации, становления культуры городского планирования и условий развития в различных регионах земного шара.

Ключевые слова: урбанизация, чистая питьевая вода, транспорт, электричество, строительные работы, парикмахерская, кухня, швейный цех, санузел.

Abstract: Today, when the process of urbanization and urbanization is rapidly developing on a global scale, there is an increasing demand for scientific research aimed at in-depth coverage of the history of cities. For this reason, in the world's leading scientific and research centers, systematic scientific research is being conducted to study the specific aspects of urbanization processes, the emergence of the culture of urban planning and the development conditions in different regions of the globe.

Key words: urbanization, clean drinking water, transport, electricity, construction works, barber shop, kitchen, sewing workshop,

bathroom.

XX аср бошларида шаҳарсозлик жараёнларида ўзига хос ўзгаришлар бўлганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, бу даврда Ўзбекистоннинг жануби-шарқий ҳудудларида Термиз, Бойсун, Шеробод, Шаҳрисабз, Ғузор, Китоб, Косон каби маъмурий марказ ўрнидаги шаҳарлар мавжуд эди.

Урбанизация жараёнларида аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш учун уларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва суғориш тизимини жадаллаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратила бошланди. Бундай сиёсатдан кўзланган бош мақсад эса аввало аграр сиёсат, яъни пахтачилик масаласини ҳал этиш эди[3;Б.48]. Шунингдек, мустамлакачилик маъмурлари томонидан аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини кўтариш борасидаги ислохотларда биринчи галда рус аскарлари ҳамда уларнинг оилалари кўчириб келтирилган қишлоқларда озиқ-овқат ва сув таъминотини яхшилаш ҳамда ижтимоий демографик ҳолатлардаги муаммоларни ҳал этиш масалаларига катта эътибор қаратила бошлади. Бу даврда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасининг муҳим марказларидан бири ҳисобланган Қарши, Термиз шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда ирригация соҳаларида дастлабки ишлар амалга оширила бошлади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Сурхондарё воҳаси ҳудудидаги Термиз ҳамда Паттакесар манзилгоҳлари, шунингдек, Қарши шаҳри атрофидаги манзилгоҳлар асосан рус ҳарбий маъмурлари жойлашган манзилгоҳлар ҳисобланган. Шу сабабли XX аср бошларида асосий сув таъминоти ҳисобланган Паттакесар ҳамда Саловат ариғини, таъмирлаш ишларига жиддий эътибор қаратила бошланди[7].

Бу даврда Қашқадарё воҳасида Қашқадарё ўзанидаги ариқлар ҳамда Китоб беклиги ҳудудидаги Шўробсой ариғини таъмирлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошлади. XX аср бошларига келиб, сув таъминоти бироз яхшиланса-да, аммо ушбу ҳудудда жойлашган аҳоли хўжалиқларининг барчасини қамраб олмас

эди. Ариқларни тозалаш ишлари эса ҳашар ёрдамида яъни қўл кучи воситасида амалга оширилган. Буларнинг барчаси сув таъминоти масаласида катта муаммо ҳисобланган[4;Б.75].

Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасидаги сув таъминотининг нисбатан яхшиланиши ўз навбатида янги ерларнинг ўзлаштирилишига сабаб бўлди. Натижада янги ўзлаштирилган ерларга аҳоли хўжаликлари кўчиб келиб, жойлаша бошлади. Каналларнинг барпо этилиши, сувга бўлган талабнинг қондирилиши амлоқдорликларда хўжалик турмуш даражасининг яхшиланишига ижобий таъсир қилди.

Урбанизация жараёнларининг жадаллашуви натижасида аста-секинлик билан аҳоли сони ҳам ортиб бора бошлади. Эндиликда шаҳарларда кўпайиб бораётган аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳамда уларга янги иш ўринлари учун саноат ва корхоналарни барпо этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланган. Саноат корхоналарининг ортиб бориши шаҳарлар тараққиётини таъминлаш, уларнинг ўзаро алоқаларини кенгайтириш учун темир йўлларнинг қурилишига ҳам замин яратаётган муҳим омиллар бўлиб ҳисобланган.

Корхоналар фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳамда темир йўлнинг ишга туширилиши натижасида воҳада аста-секин рус миллатига мансуб аҳоли вакиллари кўчиб келишига сезиларли даражада таъсир қилди. Дастлаб руслар XIX асрнинг 90-йилларида эски Термиз яқинидаги Паттакесар қишлоғига келиб жойлаша бошлаган[2;С.17]. 1914 йилга келиб Паттакесар (Термиз) да рус миллатига мансуб аҳоли сони 2500 дан ортиқни ташкил этган эди. Улар билан бирга арманлар, татарлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам кўчиб келиб, шу ерда истиқомат қилишган. Рус миллатига мансуб аҳоли вакиллари кейинчалик темир йўллар билан боғланган маъмурий марказлар (шаҳар)да тайёр уй-жойларга кўчириб келтирила бошланди. Уларнинг асосий фаолияти саноат корхоналари ҳамда темир йўл линияларида хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган. Шунингдек, ҳукумат томонидан уларнинг

ижтимоий турмуш шароитларига кўпроқ эътибор қаратилганлиги боис, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳоли вакилларига нисбатан кўпроқ афзалликларга эга эди. Шу боис бу жараёнларда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий, демографик турмуш тарзида ижобий ўзгаришлар амалга оширилмади. Белгиланган тартибларга кўра барча соҳалардаги янгиланиш аввало шаҳарлар марказига кўчириб келтирилган аҳоли вакиллариинг ижтимоий турмуш даражасини яхшилашга қаратилар эди[8].

Сурхон воҳасида шаҳарларнинг ўрни тобора мустақамланиб, саноат корхоналарининг транспорт, электр энергияга бўлган талаби кундан-кунга оша бошлади. Дастлабки даврда Термиз шаҳридаги пахта тозалаш заводида 5 та автомашина ишлаган[21].

Воҳага юк автомашиналарини келтириш ва электр таъминоти тармоқларини ўрнатиш ҳаётий заруратга айланган эди. Шеробод туманида ҳам 1920 йилда 15 от кучига эга бўлган дизел двигатели ўрнатилган, унинг электр энергияси ҳарбий қисмни электр билан ёритиш учун хизмат қилган эди.

1926 йилда Термиз шаҳрининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида давлат маблағи ҳисобидан 30 минг рублга қуввати 50 от кучига эга бўлган дизел двигатели сотиб олинди[9]. Шу йилнинг охирига келиб, 100 от кучига эга бўлган двилател ишга туширилди. 1926-1927 йилларда қурилиши режалаштирилган электростанция учун 630 минг рубл маблағ ажратилди. 1927 йилнинг 17 июлида округ режа бўлими комиссияси Паттакесар, Термиз ва Шеробод шаҳарларида электростанция қуриш тўғрисида қарор қабул қилган.

Шу йилнинг 14 ноябрида Паттакесар электростанциясини кенгайтириш учун маҳаллий бюджетдан 75 минг рубль маблағ ажратилган. 1927 йилнинг охирларида Шеробод туманида 15 от кучига эга ва 1928 йилда Термиз шаҳрида 100 от кучига эга бўлган дизел электр станцияси қурилиб, ишга туширилган[5;Б.37].

Округда электр тармоқларини ишга тушириш ишларида П. Леснов, К.Голованов,

Н.Авгул, П.Богданов ва бошқа қатор хизматчилар жонбозлик кўрсатганлар[6;Б.100]. 1932 йилга келиб, Термиз шаҳрида илк электр тармоғи маркази вужудга келди. 1935 йилда округда 10 та электростанциялар мавжуд бўлиб, улар 3 миллион 400 минг квт. соат электр энергияси ишлаб чиқарган ва йирик шаҳарлар, шаҳарликлар хонадонларини, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини электр энергияси билан таминлаган. 1925-1936 йиллар мобайнида ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимдаги объектларни 150 от кучига эга бўлган “Ман” тизимидаги дизел двигатели, 260 от кучига эга бўлган “Метеор”, 20 от кучига эга бўлган “Красный пролетарий” номли двигателлар, 1936-1939 йилларда эса 90 от кучига эга бўлган ХТЗ маркали трактор двигатели электр-энергияси билан таминлаб турган.

Округнинг Шеробод тумани 50%га электрлаштирилган бўлиб, асосан саноат корхоналари ва хунармандчилик устахоналари ҳамда шаҳар марказида электр энергиясидан фойдаланилган. Тумандаги хонадонларни электр тармоғига улаш ва унинг таъмирига 1875 рубл харажат қилинган.

Ўша даврда Термиз шаҳри керосин мойи билан ишлайдиган чироқ эвазига ёритилган бўлиб, шаҳардаги йўлакчаларнинг ярми электрлаштирилган эди.

Кейинчалик округ саноатини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири – электр қувватига талаб жуда юқори бўлганлиги учун электростанцияларни қуриш жадаллаштирилди. 1937 йил Термиз шаҳрида 1200 от кучига эга бўлган электр станцияси қурилиши мўлжалланган, ammo маълум бир сабаблар туфайли дастлаб Горький шаҳридаги “Революция” заводидан 400 от кучига эга бўлган дизель двегатели олиб келиб ўрнатилган ва улар шаҳарнинг электр қувватига бўлган талабини 10%га қондирган[26]. 1930-1940 йилларда қурилган электр станциялари халқ хўжалиги ва аҳолини электр энергияси билан тўлиқ таъминлай олмас эди.

Воҳа иқтисодиётида Термиз дарё портининг аҳамияти катта бўлди.

Ўша вақтларда флот таркибида 8 та

кема, 22 баржа бор эди[1;Б.150]. 1927 йили Амударё орқали 29 минг тонна ғалла, 9 минг тонна пахта, минг тонна металл, 4 минг тонна цемент, 22 минг тонна нефт маҳсулотлари, 11503 рубллик қанд, 30730 рубллик шакар ташилди. Ушбу дарё порти 276 км масофадаги ҳудудларга хизмат қилар эди. Шу билан бирга, ўша даврда қўшни мамлакатдан субтропик мевалар, майиз, қорақўл тери, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтирилган, у ёққа эса саноат моллари, асбоб- ускуналар, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникалари, газламалар, кийим-кечаклар жўнатилад эди [1;Б.150]. Термиз шаҳрида “Совафганторг” омборини қуриш мақсадида унинг техник лойиҳаси ишлаб чиқилди. Келгусида Термиз дарё порти орқали Афғонистон билан савдо алоқаларини кучайтириш мақсад қилиб қўйилди. 1936 йилда Термиз шаҳридаги (“Бухоро Вилояти транспорт иттифоқи”га қарашли) “Қизил Туячи” номли транспорт артели фаолият олиб борди[13]. 1925 йилда Самсонов-Термиз темир йўли қурилиши тугалланиши билан Сурхон воҳаси савдо саноати ривожланишида бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Архив ҳужжатларида Самсонов-Термиз темир йўл траспорти орқали давлат кооперативлари учун 500 минг рубл миқдорда товар олиб келинганлиги хусусида тўлиқ маълумотлар бериб ўтилади[10].

Хусусан, воҳанинг қурилиш ишларига ҳам совет ҳукумати маблағ ажратиб, келгусида бошқа ҳудудлар билан иқтисодий алоқаларни ўрнатиш мақсадида йўл қурилишига эътибор қаратди. 1927 йилда Термиз-Душанбе темир йўлининг таъмири учун ЎзССР Халқ Комиссарлигининг молия бўлимида 25 минг рубл маблағ ажратилди[11].

Жануби-шарқий шаҳарларда бу даврда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлари ҳунармандлар томонидан амалга оширилган. Мазкур ҳудудда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида анъанавий улов воситаларини ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди [14]. 1936 йилгача майда ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган от-аравалар воҳа аҳолисининг ижтимоий турмушида фаол хизмат қилди. 1936 йилда

воҳада махсус “Транс-Ассобоз” от-арава ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳунармандчилик корхонаси ишга туширилди.

Ўша йилнинг ўзида Жарқўрғон туманида сартарошхона, ошхона, тикувчилик цехи, чилангарлик ва кулолчилик устахоналари ҳамда тамаки тайёрлаш шохобчалари ташкил қилинди[22]. Уларнинг номи артеллар деб атала бошланди. Мазкур артелларда ўрта ҳисобда 21 киши меҳнат қилиши, қолганлар саводсизликни тугатиш мактабининг ҳунар ўргатиш бўлимларида ўқиши белгилаб қўйилди. Воҳанинг Жарқўрғон тумани колхозларида ҳам қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бир қанча артеллар ташкил қилинди[23].

1937 йилга келиб, Сурхон воҳасида қатор янги артеллар ўз ишини бошлади [1]. Масалан, “Прогресс” артелининг асосий иши маҳаллий аҳоли учун кийим-кечаклар тикиш ва этикдўзлик эди. Манбалар шуни кўрсатадики, ушбу артеллар фаолияти давомида асосан тикувчилик ҳамда пояфзал ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Лекин, алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, артелдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори аҳоли сонига нисбатан анча кам эди.

Шу йилнинг дастлабки ойларида биргина “Прогресс” артелининг этикдўзлик устахонасига 13 жуфт этик пояфзалига буюртма тушган. Ушбу буюртманинг нархи 1187 рублга тенг бўлиб, нисбатан анча юқори баҳоланган. Майда пояфзал таъмири учун 53 жуфт буюртма қабул қилинган ва буюртманинг нархи 199 рубл деб баҳоланган. Аммо, Сурхон воҳаси аҳолиси учун ушбу буюртмалар миқдори кам эди. Ўша даврда ҳунармандлар тиккан пояфзал буюмларини оддий деҳқонлар ва камбағаллар сотиб олганлар. Чорвадор аҳоли эса ўзларига қорамол ва қўй-эчки териларидан “чорик”, “мўкки” ва “попиш” деб номланган пояфзалларни тиккан ҳамда ундан фойдаланган.

Воҳада ўша йилларда тикувчилик цехлари ташкил этилиб, артелда кийим-кечаклар европача услубда тикилган эди. Аҳолининг асосий қисми артелда тикилган

шимларни деярли киймаган, уларни айрим шаҳарликлар ёки амалдорлар харид қилар эдилар. Умуман олганда, артелда эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари тикилган, уларнинг миқдори ҳам юқоридаги кўрсатиб ўтилган артелда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (шим ва пояфзаллар) каби кам ишлаб чиқарилаётган ва шунга яраша харид имконияти ҳам паст даражада эди.

Иқтисодийнинг молиявий тизимини мустаҳкамлаш мақсадида банкларнинг фаолияти такомиллаштирилди, янги замонавий ишлаб чиқариш учун технологияни сотиб олиш натижасида банк тизими юзага келди. Сурхондарё округи ижроия қўмитаси 1927 йилда “Марказий коммунал банки”дан уй-жой қуриш учун катта миқдорда кредит маблағ ажратишини сўради. Бунинг сабаби воҳадаги урбанизация ва миграция даражасининг ўсиши билан боғлиқ эканлиги кўрсатилди. Шунга кўра, Паттакесар туманида коммунал қурилиши учун 112 минг рубл, Шеробод туманида ҳаммом қурилиши учун 26 минг рубл маблағ ажратилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, воҳанинг Бойсун, Жарқўрғон, Денов ҳамда Сариосиё туманлари учун ҳам коммунал хизмат кўрсатиш шохобчасини қуриш мақсадида ҳар бир туманга 5938 рубл 39 копдан жами 23 993 рубл 36 коп. маблағ ажратилди. 1936 йилга келиб Сурхондарё округининг маркази – Термиз шаҳрида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида водопровод қувурлари ўтказилди[27]. Бунинг учун зарур бўлган 67 минг рубл миқдоридаги маблағ ЎзССР халқ комиссарлиги томонидан ажратилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг тоза ичимлик суви таъминотини ташкил қилиш ҳақида қарорида Амударё суви ўткир ичак касалликлари тарқатиш манбаи эканлиги айтиб ўтилди. Амударё сувини ичиш ва бу ерда ҳайвонларни чўмилтириш ман қилинди[25] ва бошқа бир қатор санитария чоралари белгиланди.

Шу йилнинг ўзида Паттакесар туманида қурилиш ишларини олиб бориш учун марказ томонидан бир гуруҳ қурувчи инженерлар юборилди[12].

Уларга ҳудудда округ раҳбарлари учун алоҳида ҳаммом ва чорва моллари учун махсус хоналар қуриш топширилган эди. Ўша даврда воҳадаги банкларнинг бундай катта қурилиш ишларига маблағ ажратиш имконияти йўқлиги сабабли, давлат режа бўлими билан биргаликда Москва “Марказий банки”дан узоқ муддатли ссудалар олинди.

Термиз шаҳрида қишлоқ хўжалигида қурилиш моллари билан шуғулланувчи “Янги йўл” деб номланган артел фаолият юритди. 1932 йилга келиб, артел фаолияти юқори баҳоланди[28].

Шунингдек, Термиз шаҳрида мактаблар қуриш ва уларни жиҳозлаш, ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида “Қишлоқ хўжалик банк”идан кредит олинди. Бунда мактаб ўқувчиларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам маблағ ажратиш кўзда тутилган эди[16]. Бу даврда маданий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, кино-картина намойишлари йўлга қўйила бошланди.

Округда таълим тизимига қарашли янги фото-лабораториялар ташкил қилиш ишлари йўлга қўйилди. Бунда суратларнинг сифатли бўлишини таъминлаш ҳамда округдаги ҳарбийларнинг суратга тушиш зарурияти ҳисобга олинди[17]. Сурхондарё округида болалар комиссияси ташкил этилиб, унда фото-студиялар очиш рухсат берилди. Фотостудиянинг лабораторияси 1-Термиз болалар уйида ташкил этилди[18]. Округдаги бошқа ташкилотларга фотостудия ташкил қилишга рухсат берилмай, фақат мавжуд студиядан фойдаланиш ва фотокурслар очишга рухсат берилди. Фото-лабораториянинг моддий техникасини ривожлантириш учун банк 500 рубл миқдорида ссуда ажратди. 1930-йилларда Термиз шаҳар “Коммунал банки”га қарашли меҳмонхона фаолият юритган[19]. Меҳмонхонанинг таъмири ва моддий таъминоти “Коммунал банк” томонидан олиб борилган.

Шаҳар ҳамда шаҳар атрофида истиқомат қилувчилар учун Термиз коммунал хўжалигига қарашли ҳаммом ҳам фаолият юрита бошлади[20].

Шаҳар ҳаммомининг умумий

анжомлари ва ишлари учун 1936 йилда жами 72444 рубл 69 коп. маблағ ажратилди. Шаҳар ҳаммомига бир йилда 66700 киши ташриф буюрган ва ундан тушган маблағ эса 65917 рублни ташкил этган. Ҳаммомга бир киши учун тўланадиган ҳақ 1 рубл 09 коп.дан иборат эди.

Округ соғлиқни сақлаш бош бошқармаси шаҳар ва шаҳар атрофида чорва молларини сўйиш учун махсус жой ажратиш хусусида қарор қабул қилди. Унда воҳа шаҳарларида чорва молларини сўйиш учун махсус қушхоналар ташкил қилиш, терини қайта ишловчи корхоналарнинг санитар ҳолатини яхшилаш чоралари белгиланди.

Хусусан, уларни шаҳардан 300 метр узоқликда қуриш, атрофи баланд деворлар билан ўраш зарурлиги қайд этилди. Бу ишларнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг санитария-гигиена билан шуғулланувчи бўлими зиммасига юклатилди.

Бу даврга келиб, воҳада коммунал хизматларни ташкил этиш борасида ҳам айрим ўзгаришлар амалга оширилган. Аммо маҳаллий партия ва давлат арбобларининг лоқайдлиги туфайли Сурхон воҳаси маданиятнинг ушбу соҳаларида республикада энг охириги ўринларда турар эди.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

1. Азимов М. Термиз тарихи (Энг қадимги даврлардан XIX аср бошигача). – Қарши.: Насаф, 2001. – Б.150.
2. Фомченко А.П. Русские поселения в Бухарском эмирате. – Ташкент, 1958. – С. 17.
3. Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 48.
4. Қобулов Э. Россия империясининг Сурхон воҳаси суғориш тизимидаги тадбирлари. Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг муамолари. Илмий-амалий мақолалар тўплами. VII жилд – Тошкент, 2016. – Б. 75.
5. Тўраев Т. Энергетикамиз тарихига бир назар. – Термиз.: 2007. - Б. 37.
6. Тўхтаев А. Улуғ Ватан урушигача бўлган йилларда Сурхондарёда электрлаштириш // Термиз давлат университети профессор-ўқитувчиларининг XXV илмий-назарий конференция материаллари. – Термиз, 1993. – Б. 100.
7. Ўз МА, 3-жамғарма, 1-рўйхат, 133-иш, 37-варақ.
8. Ўз МА, 837-жамғарма, 1-рўйхат, 1277-иш, 71-варақ
9. Ўз МА, 837-жамғарма, 3-рўйхат, 162-иш, 48-варақ.
10. Ўз МА, 86-жамғарма, 1-рўйхат, 2393-йиғма жилд, 31-варақ.
11. Ўз МА, 837-жамғарма, 3-рўйхат, 162-иш, 54-варақ.
12. Ўз МА, Р-837-жамғарма, 3-рўйхат, 162-иш, 39-варақ.
13. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 322-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 2-варақ.
14. Сурхондарё вилояти Давлат архиви, 5-жамғарма, 1-рўйхат, 100-иш, 1-варақ.
15. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 5-жағарма, 1-рўйхат, 98-иш, 19-варақ.
16. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 89-жамғарма, 1-рўйхат, 99-иш, 16-варақ.
17. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 89-жамғарма, 1-рўйхат, 158-иш, 13-варақ.
18. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 89-жамғарма, 1-рўйхат, 133-иш, 72-варақ.
19. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 5-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 5-варақ.
20. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 5-жамғарма, 1-рўйхат, 80-иш, 16-варақ.
21. Сурхондарё вилояти давлат архиви, Жарқўрғон тумани бўлими, 20-жамғарма, 1-рўйхат, 46-иш, 43-варақ.
22. Сурхондарё вилояти давлат архиви, Жарқўрғон тумани бўлими, 20-жамғарма, 1-рўйхат, 102-иш, 12-варақ.
23. Сурхондарё вилояти давлат архиви, Жарқўрғон тумани бўлими, 20-жамғарма, 1-рўйхат, 102-иш, 305- варақ.
24. Сурхондарё вилояти давлат архиви, Денов тумант бўлими, 6-жамғарма, 1-рўйхат, 5-иш, 105-варақ.
25. Сурхондарё округи ижроия кўмитасининг президиуми мажлисининг Мажбурий қарори.

22 март 1939 йил №1. Термиз Типография, Илғор Сурхон учун.

26. “Илғор Сурхон учун” газетаси, 1937 йил 16 январь.

27. Газета “Правда Востока”, 1936 год, 18 февраля.

28. Газета “Правда Востока”, 1932 год, 24 декабря.

ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ ШАҲРИ МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ТАСНИФИ (ТАРИХИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ДЕМОГРАФИК ТАҲЛИЛ)

Наргиза Шоназарова,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада Тошкент шаҳри маҳаллаларининг умумий тавсифи ва таснифи ёритилган бўлиб, унда маҳаллаларнинг жойлашув хусусиятлари, ижтимоий-демографик, этнодемографик, этноижтимоий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳолининг ҳўжалик фаолияти ва аҳолисининг турмуш тарзининг айрим этнолокал хусусиятлари баён қилинган. Унда шунингдек, маҳаллаларнинг туманлар кесимидаги сони, умумий тавсифи ҳамда маҳалла раисларининг маълумотлилик даражаси ҳам ёритилган.

Калит сўзлар: Тошкент шаҳри, пойтахт, маҳалла, фуқаролар йиғини, туман, даҳа, аҳоли, аҳоли сони, раис, оқсоқол, турмуш тарзи, этнодемографик тавсиф, ижтимоий-иқтисодий ҳолат.

Аннотация. В статье дана общая характеристика и сведения о махаллях г. Ташкента, описаны особенности расположения, социально-демографический, этнодемографический, этносоциальный и социально-экономический статус махаллей, хозяйственная деятельность населения и некоторые этнолокальные особенности образа жизни населения. В нём также описаны количество махаллей в районах, их общее описание и уровень образования председателей махаллей.

Ключевые слова: город Ташкент, столица, махалля, сход граждан, район, даха, население, количество населения, председатель, аксакал, образ жизни, этнодемографическая характеристика, социально-экономическое положение.

Annotation. The article gives a general description and information about mahallas in Tashkent, describes the features of the location, socio-demographic, ethno-demographic, ethno-social and socio-economic status of mahallas, economic activities of the population and some ethno-local features of the lifestyle of the population. It also describes the number of mahallas in the districts, their general description and the level of education of the mahalla chairmen.

Key words: Tashkent city, capital, mahalla, gathering of citizens, district, dakha, population, population, chairman, aksakal, way of life, ethno-demographic characteristics, socio-economic status.

Тошкент - Ўзбекистоннинг пойтахти, йирик саноат, фан ва маданият маркази, Марказий Осиёдаги улкан мегаполисдир. Мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 30% га яқини пойтахт Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Мустақиллик йилларида бошқа шаҳарларда бўлгани каби Тошкент шаҳри маҳаллалари ҳам ривожланиб, аҳоли сони ошиб, улар турмуш тарзида муайян ўзгаришлар содир бўлди. Ушбу даврда Тошкент шаҳри маҳаллалари маълум ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-демографик ҳамда этник омиллар таъсирида ривожланди.

Агар тарихий рақамларга эътибор қаратилса, XX асрнинг 90-йиллари бошида Ўзбекистонда 11 мингга яқин маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритган бўлса, Тошкент шаҳрида 450 га яқин маҳаллалар рўйхатга олинган[1;Б.34]. Тарихий нуқтаи